

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Navoiy erkin iqtisodiy zonasi direksiyasi" AJ

Объявление

"NAVOIY ERKIN IQTISODIY ZONASI DIREKSIYASI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

КОНКУРС НА ДОЛЖНОСТЬ ДИРЕКТОРА

БОШ ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ (<http://namet.uz/index.php/uz/223-bosh-direktor-lavozimiga-tanlov>)

«НАВОИЙ» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ДИРЕКЦИЯСИ» акциядорлик жамияти Бош директор лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда иштирок этиш учун Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, юқори малакали чет эллик менежерлар таклиф этилади.

Лавозим: Жамият Бош директори.

Вазифалари: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва жамият уставига мувофиқ жамият фаолиятининг барча йўналишлари бўйича умумий раҳбарликни амалга ошириш.

Номзодга талаблар:

Олий маълумот (иқтисодчи, ташқи иқтисодий фаолият, ҳалқаро қонунчилик, халқаро журналистика, ҳуқушунос ва бошқалар);

Ташкилотчилик қобилияти;

Эркин иқтисодий зоналарни, инвестиция соҳасини ва акциядорлик корхоналари фаолиятини тартибга солишга доир қонунчилик ҳужжатлари ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгиловчи бошқа меъёрий ҳужжатларни билиш;

Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнгиндан химоя ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги қоида ва меъёрларини билиш;

Ҳорижий фуқаролар, инвесторлар ва компанияларнинг биринчи раҳбарлари билан мулоқот қилиш тажрибасига эга бўлиш;

Ўзбек ва рус тилларида эркин сўзлашиш (бошқа чет тилларни билганлар кўшимча афзалликка эга бўлади);

Хизмат сафарларига бориш имконияти;

Корпоратив бошқарув қонунчилиги, усул ва тамойилларини билиш;

Тадбиркорликни ривожлантириш билим ва кўникмаларига эга бўлиш;

Соҳада камида 5 йил иш стажи;

Ишлаб чиқариш соҳасидараҳбарлик лавозимларида 5 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши.

Ариза бериш муддати: Хужжатлар 2021 йил «15» июль куни соат 18-00 гача қабул қилинади.

Манзил: Навоий вилояти, Кармана тумани, “Навоий” эркин иқтисодий зонаси” дирекцияси.

Телефон: (0 436) 220-09-50(Ходимларни бошқариш бўлими).

Факс: (0 436) 220-09-50.

Электрон почта манзили: info@feznavoi.uz

29.06.2021

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/11928/>

Дата: 07.05.2026